

7500

Пластик карталардан фойдаланган ҳолда АЁҚШ орқали нефт маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида

Тошкент шаҳар

105 -22-сонли ШАРТНОМА

07.01

2022 йил.

“UNG Petro” МЧЖ номидан, 2021 йил 30 декабдаги 05/05-сонли Ишоннома асосида фаолият юритувчи Маҳсулотларни реализация қилиш бўлими бошлиғи Юнусходжаев Ж. Б., кейинги ўринларда “Етказиб берувчи” деб аталади, бир томондан, Давлат жомолия Б.У. мустахи номидан, Незори асосида фаолият юритувчи И.И. Бокитмонов, кейинги ўринларда “Харидор” деб аталади, иккинчи томондан, куйидагилар тўғрисида мазкур Шартномани туздилар:

1. Шартнома мазмуни

1.1. Мазкур Шартномага мувофиқ, “Етказиб берувчи” Автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчаси (кейинги ўринларда АЁҚШ деб юритилади) орқали ёқилғи-мой маҳсулотларини (кейинги ўринларда ЁММ деб юритилади) “Харидор” мулкига ўтказишни ўз зиммасига олади, “Харидор” эса уларни ЁММ етказилган кунда АЁҚШда белгиланган нарх бўйича пластик карталаридан (кейинги ўринларда Карта деб юритилади) фойдаланиб тўловни амалга оширишга ва ЁММ қабул қилишни ўз зиммасига олади.

ЁММ етказиб берилиши шартноманинг амал қилиш муддати давомида амалга оширилади.

“Етказиб берувчи”, карта бўйича “Харидорга” ЁММ сотадиган АЁҚШларнинг манзиллари кўрсатилган рўйхатини олдиндан тақдим этади.

1.1. ЁММ чиқарилиши “Етказиб берувчи”нинг АЁҚШда “Харидор”нинг автотранспорт воситаларига ёнилғи қуйиш орқали амалга оширилади. АЁҚШда ЁММ мавжуд бўлмаган тақдирда, уларни қуйиб берилиши амалга оширилмайди ва улар белгиланган лимитларга мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

1.2. ЁММга бўлган эгалик ҳуқуқи ва уни тасодифан нобуд бўлиш хавфи “Етказиб берувчи”дан “Харидорга” терминалда уларни қуйиб бериш бўйича операцияни рўйхатдан ўтказиш вақтида ўтади.

2. Нарх ва ҳисоб-китоб тартиби

2.1. ЁММ умумий қиймати: 225 000 200,0 сўм, ҚҚС ва акциз солиқни ҳисобга олган ҳолда.

ЁММ нархи “Етказиб берувчи” томонидан (бензин, дизел ёқилғиси ва газни охириги истеъмолчига сотишда тўланадиган акциз солиғини ҳисобга олган ҳолда) мазкур 2022-йил 07.01 даги 105 -22-сонли Шартноманинг 1-иловасига мувофиқ белгиланади.

2.2. ЁММ етказиш 100% олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали “Етказиб берувчи” томонидан қуйиб берилади.

2.3. “Етказиб берувчи” ҳар ойнинг бешинчи кунидан ўнинчи кунигача “Харидорга” ўтган ой учун танланган ЁММ миқдори бўйича ҳисоб-фактурани ЁММ ни қуйиб берилган кундаги нархларда расмийлаштиради.

2.4. АЁҚШ да “Харидор” томонидан ЁММни қабул қилиш учун “Етказиб берувчи” томонидан берилган карталар асос бўлиб ҳисобланади.

Карталар, уларни рўйхатдан ўтказиш рақамини кўрсатган ҳолда, “Харидор”нинг ҳар бир автотранспорт воситаси учун уларнинг жисмоний эскиришига қадар бўлган муддат давомида бепул фойдаланиш асосида ариза топширгандан сўнг “Харидорга” берилади. Аризада автотранспорт воситаларининг миқдори, уларнинг маркалари ва давлат рақамлари кўрсатилиши керак. Карта йўқолган ёки ишдан чикан тақдирда, “Харидор” дарҳол уни қайта тиклаш учун “Етказиб берувчига” ёзма равишда мурожаат қилади.

2.5. ЁММ нархи ошганда, уларнинг нархи “Етказиб берувчи” томонидан бир томонлама тартибда ўзгартирилади. Бундай ҳолда, ЁММ етказиб бериш олдиндан тўланган тўлов миқдоридан қатъий назар, улар ўзгарган кундан бошлаб янги нархда амалга оширилади.

3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. “Харидор” нинг ҳуқуқлари:

- ЁММ ни тегишли АЁҚШ орқали (улар бўлмаган ҳолатлар бундан мустасно) ўз вақтида қуйиб беришни “Етказиб берувчи”дан талаб қилиш;

- керак бўлган вақтда, ЁММни сифат паспортини “Етказиб берувчи”дан талаб қилиш;

- мазкур Шартнома шартларини бажармаганлик ёки нотўғри бажарганлик натижасида етказилган зарарни қоплашни “Етказиб берувчи”дан талаб қилиш.

3.2. “Харидор” мажбуриятлари:

- мазкур Шартноманинг 2.3-бандида кўрсатилган молиявий ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш;

- мазкур Шартнома шартларига мувофиқ олинган ЁММ ва ўзаро ҳисоб-китоблар учун олдиндан тўловни ўз вақтида амалга ошириш;

- карталардан тўғри фойдаланиш ва сақлаш бўйича тадбирларни амалга ошириш;

- ЁММни қабул қилишда АЁҚШ томонидан белгиланган қоидаларга риоя қилиш;

- автотранспорт воситасининг давлат рақами ўзгартирилган тақдирда, картани алмаштириш тўғрисида дарҳол “Етказиб берувчи”га ёзма равишда хабар бериш;

- карта йўқолганда ёки яроқсиз бўлганда, шунингдек уни бекор қилишга асос бўлган бошқа ҳолатларда дарҳол “Етказиб берувчи”га ёзма равишда хабар бериш;

- банк реквизитлари ва юридик манзили ўзгарган тақдирда, “Етказиб берувчи”га 3 кун муддат ичида ёзма равишда хабар бериш.

3.3. “Етказиб берувчи” ҳуқуқлари:

- “Харидор” томонидан мазкур Шартноманинг 3.2-бандида кўрсатилган ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, ЁММ етказишни вақтинча тўхтатиб туриш;
- “Харидор”дан ЁММни етказиб беришни тиклаш тўғрисида ёзма ариза талаб қилиш;
- “Харидор”дан ўз вақтида олдиндан тўлов ва ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;
- мазкур Шартнома шартларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик натижасида етказилган зарарни қоплашни “Харидор”дан талаб қилиш.

3.4. “Етказиб берувчи” мажбуриятлари:

- ўзига тегишли АЁҚШлари орқали ЁММни етказилишини ўз вақтида амалга ошириш;
- мазкур Шартноманинг 2.3-бандда кўрсатилган молиявий ҳужжатларни ўз вақтида топшириш;
- карталарни “Харидор”га ўз вақтида тақдим қилиш;
- пластик карталар йўқолганда ёки яроқсиз бўлганда, шунингдек уларни бекор қилиш учун асос бўлган бошқа ҳолатларда, хабарнома олгандан сўнг дарҳол картани бекор қилиш ва блоклаш;
- “Харидор”нинг талабига биноан ЁММ сифат паспортини тақдим қилиш.

4. Томонлар мажбуриятлари

4.1. Харидор карталардан тўғри фойдаланиши учун жавобгар деб ҳисобланади.

4.2. “Етказиб берувчи” картанинг йўқолиши ёки уларни бекор қилиш учун асос бўлган бошқа ҳолатлар тўғрисида кечиктирилган хабар оқибатида етказиб берилиши амалга оширилган ЁММ учун “Харидор” олдида жавобгар бўлмайди.

4.3. Етказиб берилган маҳсулотлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, “Харидор” “Етказиб берувчи” га ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4% миқдорида, лекин кечиктирилган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда, жарима тўлайди.

4.4. Жарима фоизларини тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тараф мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

4.5. Тарафларнинг мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ қўлланилади.

5. Форс-мажор ҳолатлар

5.1. Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатлари юзага келган тақдирда, Тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини қўллашади.

6. Низоларни ҳал қилиш тартиби

6.1. Мазкур Шартномадан келиб чиқадиган низолар ва келишмовчиликлар Тарафлар томонидан музокара йўли билан ҳал қилинади. Низоларни ҳал қилиш учун мажбурий даъво тартиби мавжуд эмас. Агар келишувга эришилмаса, низо Тошкент шаҳар туманлараро иктисодий судига юборилади.

7. Яқуний қондалар

7.1. Мазкур Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022-йил 31- 12 гача амал қилади.

7.2. Мазкур Шартнома қонунда белгиланган тартибда ўзаро келишув асосида муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.

7.3. Мазкур Шартнома икки нусхада, ҳар бир Томон учун биттадан, ўзбек тилида, бир хил юридик кучга эга тарзда тузилди.

8. Томонларнинг юридик манзили, реквизитлари ва имзолари

“Етказиб берувчи”	“Харидор”
<p>“UNG Petro” МЧЖ Почта манзили: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 17 квартал, 7 «Б», телефон: +998-71-207-32-33, +998-90-008-68-88 Ҳ/Р: 2020 8000 8047 3517 2005 “ЎзСҚБ” АТБ Яшнобод филиалида, МФО 00432, СТИР 300 970 850, ОКЭД 68202, РКП НДС: 326 050 018 075</p> <p>Юнусходжаев Ж.Б.</p>	<p>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA VA ATROF-MUHITNI MUHOFAZA QILISH DAVLAT QO'MITASI Manzil: 100047, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor 7A TEL: (0-371) 207-07-70 1027# 1041# O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi H/R: 2340 2000 3001 0000 1010 Toshkent shahar Markaziy banki IJKM MFO: 00014 Shaxsiy hisob varo'gi STIR: 200 936 593 IFUT: 84111</p>

Ижрочин



Handwritten signatures and initials at the bottom of the document.

Пластик карталардан фойдаланган ҳолда АЕҚШ орқали нефт маҳсулотларини етказиб бериш тўғрисида 105 -22-сонли шартномага 1-сонли Илова

Спецификация

Нарх	№	Товарларнинг номи	Ед-изм	Миқдори	Нарх	Акциз солиқни ҳисобга олган ҳолда ҚҚС сиз қиймат	Акциз		ҚҚС		Акциз солиқ ва ҚҚС ни ҳисобга олган ҳолда етказиб бериш нархи
							Ставка (сум)	Миқдор	Ставка (%)	ҚҚС Миқдори	
9 600	1	Бензин АИ-92	литр	13 164,00	7 997,83	105 283 382,61	350,00	4 607 400,00	15	16 483 617,39	126 374 400,00
10 300	2	Бензин АИ-95	литр	9 576,00	8 606,52	82 416 052,17	350,00	3 351 600,00	15	12 865 147,83	98 632 800,00
						187 699 434,78		7 959 000,00		29 348 765,22	225 007 200,00

ЁММ умумий қиймати: Икки юз йигирма беш миллион етти минг икки юз сум, ҚҚС ва акциз солиқни ҳисобга олган ҳолда

<p>"Етказиб берувчи"</p> <p>"UNG Petro" МЧЖ</p> <p>Почта манзили: Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, 17 квартал, 7 «Б», телефон: +998-71-207-32-33</p> <p>Ҳ/Р: 2020 8000 8047 3517 2005 "ЎзСҚБ" АТБ Яшнобод филиалида, МФО 00432, СТИР 300 970 850, ОКЭД 68202 РКП НДС: 326 050 018 075</p> 	<p>ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIYA VA ATROF-MUHITINI MUHOFAZA QILISH DAVLAT QO'MITASI</p> <p>Manzil: 100047, Toshkent shahri, Chilonzor tumani, Bunyodkor 7A TEL: (0-371) 207-07-70 1027# 1041#</p> <p>O'zbekiston Respublikasi Moliya vazirligi G'aznachiligi</p> <p>H/R: 2340 2000 3001 0000 1010</p> <p>Toshkent shahar Markaziy banki H/M MFO: 00014 Shaxsiy hisob, varog'i</p> <p>STIR: 200 936 593 IFUT: 84111</p> 
--	--

37 322 800 с - 4001 10860262947056100144001

5 998 800 с - 1001 10860262947056100144001

181 685 600 с - 4010 10860262947056100144001

[Handwritten signatures]